



Аллоҳга энг маҳбуб амал қайси?" деб сўрадим.

Шунда У зот: «Ўз вақтида ўқилган намоз» дедилар. Мен: «Кейин қайси?» дедим. У зот: «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. Мен: «Сўнг қайси?» дедим. У зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Аллоҳга энг маҳбуб амал қайси?" деб сўрадим. Шунда У зот: «Ўз вақтида ўқилган намоз» дедилар. Мен: «Кейин қайси?» дедим. У зот: «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. Мен: «Сўнг қайси?» дедим. У зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш» деб шу нарсаларни айтиб бердилар. Агар кўпроқ талаф қилганимда зиёда қилган бўлар эдилар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга энг суюкли амал ҳақида сўралдилар. Шунда: «Фарз намозларни шариат белгилаб берган вақтда ўқиш, сўнгра ота-онага энг комил тарзда яхшилик қилиш, ҳақларини адо этиш, уларга оқ бўлишдан четланиш, Сўнра Аллоҳнинг калимаси улуғ бўлиши ва Ислом дини, аҳли ва шиорларини зоҳир қилиш учун У Зот йўлида нафси ва моли билан жиҳод қилиш», - дедилар. Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: «Шу амалларни менга хабарини бердилар. Агар мен уларга яна:«Сўнгра қайси», - деганимда, яна айтиб берар эдилар», - деди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3365>